2017 ЙИЛ 28 МАРТ, СЕШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 66 (13.399)

Баҳоси эркин нархда

## ЎЗБЕКИСТОН ВА ПОЛЬША ПРЕЗИДЕНТЛАРИ БИР-БИРЛАРИНИ ҚУТЛАДИЛАР

**Ўзбекистон Республикаси ва Польша Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 25 йиллиги муносабати билан Польша Президенти Анжей Дуда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевга табрик йўллаган.**

Польша Президенти қутловида бундай дейилади: "Мамлакатларимиз ўртасида самарали муносабатлар йўлга қўйилганини мамнуният билан таъкидламоқчиман. Польша Ўзбекистонни Евроосиё минтақасидаги муҳим шерик, деб билади ва мустақиллик йилларида Ўзбекистон эришган улкан ютуқларни ҳурмат қилади. Сизнинг раҳнамолигингизда Ўзбекистоннинг яқин қўшнилари билан алоқалар бўйича амалга оширилаётган янгича сиёсатни диққат билан кузатиб бормоқдамиз. Бундай яқин қўшничилик сиёсати Марказий Осиё минтақасидаги барқарорликни янада мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга".

Президент Анжей Дуда Польшада икки томонлама иқтисодий муносабатларни ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётганини ва бу борада улкан имкониятлар мавжудлигини таъкидлаган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев қутловида "Ўтган даврда икки давлат ўртасида мустаҳкам дўстлик ва ўзаро англашув анъаналарига асосланган амалий муносабатлар ўрнатилган"и алоҳида таъкидланган.

Давлатимиз раҳбари "Ўзбекистон Польша билан сиёсий-дипломатик, маданий-гуманитар соҳаларда ўзаро манфаатли амалий ҳамкорликни янада кенгайтириш, савдо, қишлоқ хўжалиги, инвестиция ва инновациялар, туризм ҳамда бошқа кўплаб йўналишлар бўйича аниқ дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш тарафдори" эканини қайд этган.

Ўзбекистон Президенти мамлакатларимиз бундан буён ҳам "Ўзбекистон билан Польша ўртасидаги муносабатларни чуқурлаштириш, ўзаро ҳурмат, тенг ҳуқуқлилик ва ишонч принциплари асосида янада мустаҳкамлаш борасида ҳамкорликни давом эттириши"га ишонч билдирган.

**ЎзА**

**Ҳаётдаги ҳар қандай янгилик ва қулайлик одамларнинг кўнглини равшан қилади, завқлантиради. Келажакка ишончни мустаҳкамлайди, яшашга, ишлашга иштиёқни оширади. Зотан, мамлакатимизда амалга оширилаётганислоҳотлардан мурод-мақсад ҳам халқимизни ҳаётдан рози қилишдан иборатдир.**

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

## ТОШКЕНТ КЎПРИКЛАРИ: ЯНГИ БУНЁДКОРЛИК ЭПОПЕЯСИ



Президентимиз Шавкат Мирзиёев ғояси ва ташаббуси билан бунёд этилган ва 25 март куни фойдаланишга топширилган янги кўприклар мисолида ҳаётнинг бу ҳақиқати яна бир бор ўз исботини топди. Бу иншоотлар қадим Тошкентнинг тарихий жозибасини сақлаган ҳолда янгилаш, замонавий мегаполисга айлантириш ва пировардида аҳолининг узоғини яқин қилишда жуда муҳим аҳамиятга эга.

...Чилонзор туманидаги Бунёдкор ва Муқимий кўчалари кесишган чорраҳада қурилган кўприкдан ҳайдовчилар ўз манзилига шитоб билан ошиқмоқда. Кўприкнинг икки томонидаги ер усти ўтиш йўлаги ўзига хос сайилгоҳга айлангандек. Бу ерда ёшу қари йўлакда бир зум тўхтаб, кўприк усти ва остидаги автомобиллар оқимини кузатмоқда. Ташқарида ёмғир шивалаб турибди. Йўлак ёғин-сочиндан ҳимояланган.

– Олтмиш ёшдан ошдим, қирқ йил муаллимлик қилдим, лекин кимдир шу жойларда ҳали сайр қилиб яйрайсан, деса, ишонмасдим, – дейди Комил ота Ботиров. – Биласизми, собиқ тузум даврида пойтахтимизда бино-иншоотлар, йўллар келажакни ҳисобга олмай, пала-партиш қуриб ташланган. Чунки ўша вақтлар бир кун келиб Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритиши, ўз автомобилларини ишлаб чиқариши, деярли ҳар бир оилада шахсий автомашина бўлиши етти ухлаб тушимизга кирган эмас-да. Мана, йўлга қаранг, аксарият автомобиль ўзимизда ишлаб чиқарилган. Халқимиз фаровонлиги ошиб боргани сайин одамларда автомобиллар кўпайгач, табиийки, йўл тирбандлиги муаммоси келиб чиқди-да. Бу аслида муаммо ҳам эмас, табиий заруратдир.

Шу чорраҳанинг беш-ўн йил аввалги қиёфасини кўз олдимизга келтирайлик: бу йўлдан автомобиллардан ташқари трамвай, троллейбус, автобуслар қатнарди, метрополитендан чиққан пиёдалар тинимсиз у ёқдан бу ёққа йўлни кесиб ўтарди. Троллейбуснинг "шох"и симдан чиқиб кетса-ку, ана тирбандликни кўринг. Трамвай йўллари ва троллейбус қатнови олиб ташлангач ҳам бу муаммо тўла барҳам топмади. Чунки мазкур чорраҳада, одатда, бирор ДАН ходими қўлида таёғини айлантириб, автомобиллар ҳаракатини йўналтириб турганига гувоҳ бўлардик. Энди Чилонзордан Хадра томонга кетаётган ё Юнусободдан келаётган автомобиллар узлуксиз, хавфсиз ва эркин ҳаракатланмоқда. Тўхтаб қолишлар, сигнал чалишлар, бақир-чақирлар, асаб бузишлар йўқ. Пиёдалар ҳам энди жонини хавотирга қўйиб йўл кесиб юрмайди. Бу йўлакдан шунчаки ўтиб кетолмайсиз, бир зум тўхтайсиз, томоша қиласиз, завқ оласиз.

– Қизим ва невараларимдан хабар олгани Бухородан келувдим, улар билан янги кўприкни кўргани чиқдик, – дейди Динора Бешимова. – Қаранг, бу кўприкнинг йўлагига лифт билан ҳам чиқса бўларкан. Қишлоқдошларимга айтсам, ишонмас-ов. Мўъжизанинг ўзи. Кўприкка яқин янги, замонавий уй-жойлар ҳам қурилаётган экан. Боя уларнинг лойиҳа суратларини томоша қилиб, яна бир-икки йилда бу жойлар таниб бўлмас даражада гўзаллашиб кетишига амин бўлдим.

Ён-атрофдаги бинолар жойлашуви, ландшафт дизайни барчаси яхлит композиция ҳосил қилмоқда.

Ер усти йўлагида таниқли фотограф, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Абдуғани Жумани учратдик. Бу инсон ўз касбининг устаси: пойтахтимиздаги деярли барча йирик қурилиш объектларининг барпо бўлиш жараёнини, дастлабки тамал тоши қўйилишидан то битгунига қадар тарихга муҳрлаб боради.

– Бисотимдаги суратларни чамаласам, "Тошкент кўприклари" туркумига етадиган бўлиб қолибди, улар орасида ўттиз-қирқ йил аввал қурилган кўприкларнинг барпо бўлиш тарихи ҳам бор. Куни кеча очилган икки кўприк мутлақо янги ва ноёб лойиҳалар бўлди, – дейди Абдуғани ака. – Қурувчиларимиз замонавий кўприкларни жуда тез ва соз барпо қилиш санъатини пухта эгаллагани ҳайратланарли. Ватанимиз энди мустақил бўлганда "бу халқнинг қўлидан пахта экишдан бошқа иш келмайди", деб "башорат" қилганлар кам эдими? Мана, бу кўприклар уларга инкор қилиб бўлмас жавоб бўлмоқда. Яна бир гап: насиб қилса, Чўпонота ва Бунёдкор кўчалари кесишган чорраҳада янги кўприк бунёд этилгач, Чилонзордан Юнусободгача бўлган масофада кўприкларнинг яхлит композицияси пайдо бўлади. Бу ҳам миллий ва замонавий меъморчиликда янгилик.

*(Давоми 2-бетда)*

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

*ҚАРОРИ*

## АТОҚЛИ ДАВЛАТ АРБОБИ ВА ЁЗУВЧИ ШАРОФ РАШИДОВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Республикамизни жуда мураккаб ва оғир йилларда бошқариб, юртимиз тараққиёти йўлида фидокорона хизмат қилган, ижтимоий ва ижодий фаолияти билан миллий адабиётимиз ва маданиятимиз ривожига катта ҳисса қўшган атоқли давлат арбоби, таниқли ёзувчи Шароф Рашидовнинг ёрқин хотирасини улуғлаш ҳамда таваллудининг100 йиллигини муносиб нишонлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, "Нуроний" жамғармаси, Республика Маънавият тарғибот маркази, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ва жамоатчилик вакилларининг халқимизнинг оташқалб фарзанди Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигини мамлакатимиз миқёсида кенг нишонлаш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қарорига мувофиқ Жиззах вилояти Жиззах туманига Шароф Рашидов номи берилгани маълумот учун қабул қилинсин.

3. Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш бўйича ташкилий қўмита (кейинги ўринларда – Ташкилий қўмита деб аталади) таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ташкилий қўмита бир ой муддатда Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш бўйича тегишли чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқсин.

Ушбу режада:

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Ўзбекистон Бадиий академияси ва Жиззах вилояти ҳокимлиги билан биргаликда Жиззах вилояти Шароф Рашидов туманида унинг хотирасига бағишланган ёдгорлик мажмуасини барпо этиш ва ҳайкалини ўрнатиш;

халқимиз, айниқса, ёш авлодимизни атоқли давлат арбоби ва адиб Шароф Рашидовнинг ҳаёти ва фаолияти билан яқиндан таништириш мақсадида Жиззах шаҳрида унинг мемориал уй-музейини ташкил этиш ва музей ҳудудини ободонлаштириш;

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан адибнинг "Сайланма" китобини;

Шароф Рашидов ҳаёти ва фаолиятига бағишланган "Халқимизнинг оташқалб фарзанди" номли хотира китобини нашрга тайёрлаш ва чоп этиш;

Шароф Рашидовнинг ҳаёти ва ижтимоий-ижодий фаолияти ҳақида ҳужжатли фильм яратиш;

Ўзбекистон Фанлар академияси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият тарғибот маркази билан ҳамкорликда "Шароф Рашидовнинг Ўзбекистон тарихида тутган ўрни" мавзусида илмий конференция ўтказиш;

мамлакатимиздаги олий, ўрта махсус, касб-ҳунар ва умумий ўрта таълим муассасалари, ҳарбий қисмлар, меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда таниқли адиб ва олимлар, санъаткорлар иштирокида хотира тадбирлари ташкил этиш;

2017 йил ноябрь ойининг биринчи ўн кунлигида Жиззах ва Тошкент шаҳарларида Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигига бағишланган хотира кечасини ўтказиш тадбирлари назарда тутилсин.

5. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2017 йил 27 март*

## ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЮКСАК САМАРАЛАРИ

***Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг таклифига биноан 22-23 март кунлари давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлди.***

Ташриф доирасида Остона шаҳрида Ўзбекистон Миллий саноат кўргазмаси ва икки мамлакат ишбилармон доиралари иштирокида бизнес-форум бўлиб ўтди. Бизнес-форумда Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг 500 дан ортиқ ишбилармонлари иштирок этди. Уларнинг якунлари бўйича умумий қиймати қарийб 1 миллиард доллар бўлган савдо шартномалари ва инвестициявий битимлар имзоланди.

ЎзА мухбирлари бизнес-форум ва кўргазмада қатнашган мамлакатимизнинг компания ва корхоналари раҳбарлари, ишбилармонлари билан суҳбатда бўлиб, мазкур тадбирларда эришилган келишув ва битимларнинг аҳамияти ҳақида сўзлаб беришини илтимос қилди.

*(Давоми 2-бетда)*

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Фарғонада "Ўзбекистонда диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни янада мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари" мавзусида республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, вилоят ҳокимлиги ва Фарғона давлат университети ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда жамоат ва диний ташкилотлар, миллий маданият марказлари вакиллари, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, талаба-ёшлар иштирок этди.**

**• Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг Жиззах вилоятидаги ҳарбий қисмларидан бирида муддатли ҳарбий хизматга чақирилган аскарларнинг қасамёд қабул қилишига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.**

**• Наврўзи олам шодиёналари давом этаётган шу кунларда Бухоро вилоятида яна бир йирик бунёдкорлик лойиҳаси амалга оширилди. Ўзбекистон миллий автомагистрали тизимидаги Қоровулбозор тумани орқали ўтувчи Ғузор – Бухоро – Нукус – Бейнов халқаро йўлидаги вилоятлараро Аму – Бухоро машина канали устида барпо этилган янги замонавий кўприк фойдаланишга топширилди.**

**• Андижонда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ижросини таъминлашда давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ижтимоий ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.**

### ЖАҲОНДА

**• Япония пойтахти Токио шаҳридан 160 километр узоқликда жойлашган чанғи училадиган ҳудудда кучли қор кўчкиси рўй бериши натижасида саккиз киши ҳалок бўлган, 30 дан ортиқ одам жароҳатланди. Таъкидлаш жоизки, кўчки чоғида бу ерда 52 нафар талаба ва 11 та ўқитувчи бўлган.**

**• Россиянинг "Трансаэро" авиакомпаниясининг раҳбариятига нисбатан "Альфа банк"-дан 350 миллион рубллик маблағни гўёки кредит тарзида олиб, аслида эса ушбу пулларни ноқонуний тарзда ўзлаштиргани учун жиноий иш очилди.**

**• Австралия шарқига "Дебби" номли кучли тропик тўфон яқинлашаётганлиги сабабли Квинсленд штатида аҳолини хавфсиз ҳудудларга кўчиришга тўғри келди. Табиат ҳодисаси оқибатида рўй бериши мумкин бўлган кўнгилсизликларни бартараф этиш учун қутқарув хизматининг мингдан зиёд ходимлари шай ҳолатга келтирилди. Айни пайтда тўфон кучи бешлик тоифасида икки даражага тенг бўлсада, бироқ қитъа ҳудудига кириб борганда тўрт ёки бешинчи даражага етиши ҳам мумкин.**

# ТОШКЕНТ КЎПРИКЛАРИ: ЯНГИ БУНЁДКОРЛИК ЭПОПЕЯСИ



*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Рости, илгари қурувчилар ишни чўзишига кўникиб қолгандик. Бироқ кейинги йилларда ишнинг шитоби жуда тез ва шунга мос пишиқ-пухта. Чунки бундай кўприклар бир кун тез битирилса ҳам халқимизга фойда-да. Ўтган икки ой ёмғирли-қорли кунларга бой бўлди, бироқ ишнинг суръати бир зум пасайгани йўқ. Замонавий технологиялар, илмий асос ва катта ғайрат-шижоат боис иш унди, барака бўлди. Масалан, мана бу бетон харининг узунлиги 33 метр. У икки кранда кўтариб ўрнатилди. Агар бир кран ҳайдовчиси бир неча сонияга кечикса ё илгарилаб кетса, қурилма жойига тушмайди. Бунёдкорларимизнинг бундай аниқликда кучли профессионал маҳорат билан ишлашидан ҳайратланмай илож йўқ.

Юнусобод туманидаги янги кўприк Бўзсув канали устидан ўтди. Сув устида бетон харилар ўрнатишда мутлақо янги ва замонавий усуллардан фойдаланилди. Энг муҳими, кўприк нафақат йўлларни, балки дилларни ҳам боғлайди. Бунда одамларга жуда кучли эстетик завқ бера оладиган қувват бор. Мана қаранг, шу кўприкдан ҳар куни қанча одам ўтади, уларга қўшилиб қанча тақдир, кечинма ва хотиралар ҳам бирга ўтади. Кўприк усти ва остида ҳаёт қайнамоқда – йилдиримдай шитобли, шиддатли. Шунинг ўзи одамни ўзи ва ҳаёт ҳақида ўйлаб кўришга ундайди. Бу кўприклар, таъбир жоиз бўлса, янги бунёдкорлик эпопеясидир.

Таниқли фотографнинг сўзларидан сўнг Юнусобод туманидаги Янги шаҳар ва Боғишамол кўчаларини туташтирувчи янги кўприк сари йўлга тушдик. Бўзсув устидан ўтган кўприк ёнида бир зум тўхтаб, ён-атрофни томоша қилаётганлар кўп.

– Юнусобод деҳқон бозорининг ёнида яшаймиз, йигирма йилдан бери автомобиль ҳайдайман, бу кўприкнинг очилиши одамларнинг дилидаги иш бўлди, – дейди Бахтиёр Асроров. – Илгари фарзандларимни уйдан Ҳайвонот боғига олиб бориш учун ё Тошкент ҳалқа йўли ёки Амир Темур шоҳкўчаси томондан айланиб юрардим. Ёки бу атрофдаги аҳоли учун энг яқин ва катта бозор – Юнусобод деҳқон бозори. Улар бозор-ўчар қилиш учун ҳам шунча масофани айланиб ўтарди. Мана энди вақт ва маблағ тежалади, тирбандликлардан асаб бузилмайди.

Ҳа, Президентимиз Шавкат Мирзиёев бу кўприкнинг Юнусобод ва Мирзо Улуғбек туманларини туташтиришдаги аҳамияти улкан эканини бежиз таъкидламади. Илгари ушбу туманлардан бир-бирига автомобилда 17-18 километр айланиб борилган бўлса, янги кўприк фойдаланишга топширилгач, одамларнинг узоғи яқин бўлди.

– Шу атрофдаги Обод маҳалласига келин бўлиб тушганимга чорак аср бўлди, бу кўприк билан ҳам одамларнинг узоғи яқин бўлди, ҳам ён-атроф тартибга келиб, чирой очди, – дейди Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги табиий фанларга ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби ўқитувчиси Зиёда Зокирова. – Кўприк очилиб, мактабимиз ҳам катта йўл ёқасидаги обод бир маскан сифатида кўзга ташланиб қолди. Илгари Юнусобод томондан мактабимизга келадиган ўқувчилар, ҳамкасбларим ва ота-оналар транспорт масаласида анча овора бўларди. Энди бу муаммолар барҳам топди. Шу боис барчамиз бу кўприкни Наврўз байрамига катта бир совғадай қабул қилдик. Давлатимиз раҳбари ташрифидан сўнг ярим тунга қадар бу кўприкдан томоша қилувчиларнинг қадами узилмади.

Бир сўз билан айтганда, қурилишдан мақсад – ободлик. Бу фақат ҳудуд эмас, балки кўнгил ободлигидир. Инсонлар ҳар бир кўприк, иморат, маскан, борингки, оддий фаввора ҳам ўзининг эркин ва фаровон ҳаётини кўрса, шунга интилиб яшаса, ўзи истаган ёруғ манзилга, албатта, етади. Зотан, бунёдкорлик туйғуси соғлом муҳитнинг, соғлом муҳит баркамол авлоднинг, баркамол авлод эса буюк келажакнинг мустаҳкам асосидир.

**Умид ЁҚУБОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси**

# ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЮКСАК САМАРАЛАРИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

**Одилхон РУСТАМОВ, "Ўзбекозиқовқатхолдинг" холдинг компанияси раиси:**

– Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг янги босқичини бошлаб берди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 22-23 март кунлари Қозоғистонга давлат ташрифи бу борадаги вазифалар қанчалик муҳимлигининг яна бир исботидир. Мамлакатларимиз ўртасидаги яхши қўшничилик ва яқин ҳамкорлик муносабатлари мустаҳкамланиб бормоқда. 2016 йилда компаниямиз томонидан Қозоғистонга қарийб 500 минг тонна маҳсулот экспорт қилинди. Сабзавотлар, мевалар, узум, полиз маҳсулотлари, қуритилган мева-сабзавотлар шулар сирасидандир.

Жорий йилда режаларимиз бундан ҳам улкан. Январь-февраль ойларида қарийб 16 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилингани ҳам ҳамкорлигимизнинг уфқлари кенгайиб бораётганидан далолатдир. Йил якунига қадар тизимдаги корхоналарда тайёрланган 560 минг тонна маҳсулотни Қозоғистон бозорига етказиб бериш ниятидамиз.

Остона шаҳрида бўлиб ўтган Ўзбекистон Миллий саноат кўргазмасида мамлакатимиз саноат корхона ва компаниялари ўз маҳсулот ва хизматларини тақдим этди. "Ўзбекозиқовқатхолдинг" холдинг компанияси тизимдаги 90 дан зиёд корхона ва уларда ишлаб чиқарилаётган 300 га яқин турдаги мева-сабзавот, қандолатчилик, гўшт-сут маҳсулотлари, турли ичимликлар билан иштирок этди. Кўргазма якунида 300 миллион долларга яқин шартномалар имзолашга эришдик.

Иқтисодиётимизга жалб қилинаётган инвестицияларнинг асосий қисми ишлаб чиқариш объектларини қуриш, уларни энг илғор ускуналар билан жиҳозлашга йўналтирилмоқда. Натижада соҳа корхоналари Австрия, Германия, Польша, Жанубий Корея, Хитой каби 20 дан ортиқ хорижий мамлакатларнинг энг замонавий технологик ускуналари билан жиҳозланмоқда. Бу юқори сифатли, ташқи бозорларда рақобатдош маҳсулот тайёрлашда қўл келмоқда. "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" ёрлиғи туширилган маҳсулотларимизни дунёнинг 80 дан ортиқ давлатига экспорт қиламиз. Охирги 10 йилда мева шарбатлари экспорти 2, бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари экспорти ўртача 1,5 баробар кўпайди, валюта тушуми 6 маротаба ортди.

Компаниямиз тизимида "Ўзагроэкспорт" корхонаси фаолият юритмоқда. Ҳозир мазкур корхона томонидан Қозоғистонда учта савдо уйи очилган. Бугунги кунда савдо уйлари билан умумий қиймати 40 миллион долларликдан ортиқ мева-сабзавот маҳсулотлари етказиб бериш бўйича шартномалар имзоланди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, савдо уйлари чакана-улгуржи савдо фаолияти юритиш билан бир вақтда янги қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш, маҳсулот етказиб бериш, озиқ-овқат товарларини реализация қилиш, маркетинг сиёсатини олиб бориш, биргаликдаги савдо тармоқлари ташкил этиш, ўзаро манфаатли келишув ҳамда шартномаларга эришиш бўйича хизмат кўрсатмоқда.

**Алишер СУЛТОНОВ, "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси бошқаруви раиси:**

– Президентимизнинг Қозоғистонга давлат ташрифи доирасида Остонада бўлиб ўтган бизнес-форум улкан аҳамиятга эга бўлди. "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси томонидан "Казмунайгаз", "Казтрансгаз" ва "Казтрансойл" компаниялари билан музокаралар олиб борилди.

Ушбу учрашувлар давомида эришилган келишувлар орасида Омск-Павлодар-Чимкент нефть қувури тармоғи орқали нефтни қайта ишловчи заводларимизни хомашё билан таъминлашга оид шартномани алоҳида қайд этиш зарур.

Бу келишув яқин истиқболда Россия ёки Қозоғистонда ишлаб чиқарилаётган нефтнинг бир миллион тоннасини Ўзбекистонга етказиб бериш имконини беради. Келгусида ушбу кўрсаткични йилига беш миллион тоннагача етказиш кўзда тутилмоқда. Мазкур истиқболли лойиҳа Жиззах вилоятида барпо этилаётган нефтни қайта ишлаш заводини зарур хомашё билан таъминлашга хизмат қилади. Бу объектни 2020 йил охиригача фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

**Даврон АКБАРОВ, "Ўзбекенгилсаноат" акциядорлик жамияти ҳузуридаги тўқимачилик маҳсулотлари рекламаси ва маркетинги агентлиги директори:**

– Ўзбекистон енгил саноатчилари билан дунёнинг кўплаб мамлакатлари, хусусан, Қозоғистон тўқимачилик ва савдо компаниялари ўртасидаги ўзаро савдо-иқтисодий ва кооперацион алоқалар изчил ривожланаётир. Мамлакатимиз корхоналари Қозоғистоннинг "Davtex", "RVS Company", "Жетису Маркет", "Azala Textile" каби компаниялари билан фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда. 2015-2016 йилларда Ўзбекистондан Қозоғистонга 18,5 миллион долларлик ип-калава, мато, трикотаж полотноси, тайёр тикув-трикотаж каби тўқимачилик маҳсулотлари экспорт қилинди. Жорий йилда ушбу кўрсаткич 20 миллион долларга етказилади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Қозоғистонга давлат ташрифи доирасида ўтказилган Ўзбекистон Миллий саноат кўргазмасида "Ўзбекенгилсаноат" акциядорлик жамияти тизимидаги 25 корхона 70 дан зиёд турдаги маҳсулотлари билан иштирок этди. "Uztex Group", "Истиқлол Текстиль Дизайн", "Urganch Bahmal", "Art Soft Tex", "Sedat Triko Tashkent", "Textile Mill Tashkent", "Мос Ян Текс", "Bofanda", "Jizzah Plasteks", "Favorit Textile", "Mini Max", "Shafak Textile", "Turan Tex", "SAG" каби компаниялар тайёр трикотаж, турли пайпоқлар, эркаклар костюми ва кўйлаклари, пальтолар, ип-калава, болалар кийимлари, гиламлар ва бошқа турдаги тўқимачилик маҳсулотларини намойиш қилди. Ўзбекистон тўқимачилик маҳсулотлари қозоғистонлик шерикларимизда катта қизиқиш уйғотди.

Остона шаҳрида бўлиб ўтган икки мамлакат ишбилармон доиралари бизнес-форумида "Ўзбекенгилсаноат" акциядорлик жамияти ҳузуридаги Тўқимачилик маҳсулотлари рекламаси ва маркетинги агентлиги билан Қозоғистоннинг "Ретайл Инвестмент Астана" компанияси ўртасида янги савдо уйини ташкил этиш бўйича битим имзоланди. Айни пайтда ушбу мамлакатда "Ўзбекенгилсаноат" акциядорлик жамияти тизимидаги корхоналарнинг 7 савдо уйи ва ваколатхонаси фаолият юритмоқда. Мамлакатимизнинг Қозоғистондаги савдо уйлари фаолияти ўзаро савдо-иқтисодий, кооперацион алоқаларни янада ривожлантиришга, Ўзбекистон тўқимачилик маҳсулотлари экспортини янада оширишга хизмат қилади.

**Румия АБАЙДУЛИНА, "Unison Group" масъулияти чекланган жамияти раҳбари:**

– Остона шаҳрида ўтказилган Ўзбекистон Миллий саноат кўргазмасидаги иштирокимиз ғоят самарали бўлди. Унда биз Қозоғистоннинг кўплаб ишбилармонлари билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатиш бўйича музокаралар ўтказиш, икки томон учун ҳам манфаатли бўлган келишувларга эришишга муваффақ бўлдик. Миллий банк ҳузуридаги Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси кўмагида компаниямиз Қозоғистоннинг "Agro Max Astana", "Даржан Групп" ва бошқа қатор савдо мажмуалари билан консерваланган ўзбек палови етказиб бериш бўйича қарийб 1 миллион долларлик шартнома имзолади.

Маҳсулотимизга Қозоғистоннинг қатор савдо корхоналари томонидан талаб тобора ортиб бормоқда. Жамғарма маҳсулотимиз рекламасини таъминлаш билан бир қаторда унинг экспортини амалга ошириш учун 250 миллион сўм миқдорида фоизсиз молиявий кўмак кўрсатди. Бу маҳсулотларимизни хорижий ҳамкорларимизга тез ва сифатли етказиб беришга ҳамда улар билан ҳамкорлигимизни янада кучайтиришга замин яратмоқда.

# ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев бошчилигида бозор ислоҳотларининг ҳаётимизга изчил татбиқ этилаётгани иқтисодиётимиз ривожланиши таъминланишида катта ўрин тутмоқда.***

Бунинг яққол мисоли сифатида 2016 йил 29 декабрда қабул қилинган "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини келтиришимиз мумкин.

Ушбу янги қонун тадбиркорлик субъектлари фаолиятини асоссиз аралашувлардан ишончли кафолатлаш билан бирга, жиноят ишлари бўйича тафтишлар ўтказишни процессуал жиҳатдан аниқ тартибга солиши билан аҳамиятлидир.

Мазкур қонунда молиявий-хўжалик фаолиятини амалга ошириш чоғида биринчи марта ҳуқуқбузарлик содир этган тадбиркорлик субъектларини ва уларнинг ходимларини, шунингдек, давлат рўйхатидан ўтказмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширган шахсларни, агар етказилган зарарнинг ўрни улар томонидан тўлиқ қопланган ва ҳуқуқбузарлик оқибатлари ихтиёрий равишда бартараф этилган тақдирда жавобгарликнинг барча турларидан озод этиш, тадбиркорлик субъектларига нисбатан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум этиш тарзидаги жиноий жазони қўллашга тақиқ белгилаш назарда тутилганлиги билан жуда муҳимдир.

Мазкур қоидалар тадбиркорлик субъектларини икки томонлама жазолашни бартараф этибгина қолмай, балки илк бор ҳуқуқбузарлик содир этган ва ўз айбини англаб етган фуқароларга ҳеч қандай салбий оқибатларсиз яна фаолиятини давом эттириш имкониятини беради.

Тадбиркорлик субъектларини режадан ташқари текширишларнинг олдини олиш мақсадида қонунда бир қатор қонунчилик ҳужжатларига муқобил текширувларнинг барча турларини, жумладан, жиноят ишлари бўйича муқобил текширишларни бекор қилишга тааллуқли тузатишлар киритилган.

Юқоридаги қонун ҳужжатлари мазмунига эътибор қаратилса амалдаги қонунларимизга таяниб ишлаётган тадбиркорлик субъектлари ҳар доим давлат ҳимоясида эканлиги яққол кўринади.

**Хусейин АТАЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Ўта оғир жиноятларни тергов қилиш бошқармаси Алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчиси**

# ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ: ЕЧИМИНИ КУТАЁТГАН МУАММОЛАР ЎРГАНИБ БОРИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2017 йил 25 февралдаги "Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси борасидаги фаолияти устидан парламент ва жамоатчилик назоратини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2017 йил 1 мартдаги йиғилиши қарори билан ҳудудий комиссия тузилиб, унинг зиммасига ички ишлар органларининг жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси борасидаги фаолиятини жойларга чиқиб ўрганиш ва унинг натижаларини халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши сессияларида мунтазам муҳокама қилиб борилишини ташкил этиш, аниқланган муаммоларнинг жойида бартараф этилишига доир чораларни кўриш, жиноятларнинг келиб чиқиш сабабларини чуқур таҳлил қилиш ҳамда соҳани ривожлантиришга қаратилган таклифларни ишлаб чиқиш вазифалари юклатилган эди.

Дастлаб, Тошкент шаҳар ҳудудий комиссияси томонидан Чилонзор туманида жойлашган профилактика инспекторлари ва маҳаллалар фаолиятини танқидий-таҳлилий ўрганиш вазифаси белгиланди. Ҳудудий комиссия аъзоларидан таркиб топган Ишчи гуруҳлари томонидан Чилонзор тумани Ички ишлар бошқармаси мутасаддилари ва тегишли профилактика инспекторлари ҳамда маҳалла фуқаролар йиғини раислари иштирокида тумандаги эллик битта милиция таянч пунктларида ва маҳаллаларда ушбу ишлар амалга оширилди.

Ўрганишлар жараёнида профилактика инспекторларининг маҳаллалардаги фаолиятида қатор ижобий ишлар билан бир қаторда маълум камчиликлар ҳам борлиги аниқланди.

Жумладан, айрим профилактика инспекторлари таъмирталаб биноларда фаолият юритмоқда, баъзилари ўз биноларига ва моддий-техника базасига эга эмас. Профилактика инспекторларининг кўпчилигига яшаш учун хизмат уйлари берилмаган.

Шунингдек, профилактика инспекторларининг аҳоли билан доимий мулоқотда бўлиши, маҳаллалардаги, оилалардаги муаммоларни ҳал этишда тегишли ташкилотлар билан ҳамкорлиги, иш юритувидаги ҳужжатлар билан ишлашнинг ҳолати тумандаги аксарият профилактика инспекторлари томонидан йўлга қўйилган бўлсада, айрим маҳаллаларда мазкур ишларга етарлича эътибор қаратилмаганлиги маълум бўлди.

Тумандаги ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шарт-шароитларини ўрганиб, уларнинг олдини олиш ва бартараф этиш ишларига "Яккатут", "Кичик Хирмонтепа", Ал-Хоразмий, "Бешёғоч", "Дилобод", "Чўпонота", "2-Катта Чилонзор", "Катта Қозиробод" ва "Катта Дўмбиробод" маҳаллаларидаги профилактика инспекторлари томонидан талаб даражасида ёндошилмаган.

Тумандаги баъзи маҳаллаларда профилактика инспекторларининг маҳаллалар билан ўзаро ҳамкорлиги яхши йўлга қўйилмаган. Баъзи маҳаллаларда профилактика инспекторларининг ҳудудда яшайдиган аҳоли билан ўзаро ҳамкорлиги талаб даражасида эмас.

Шунингдек, ҳудудий комиссия хулосасига кўра, содир этилган ҳар бир ҳуқуқбузарлик ва жиноятнинг тегишли фуқаролар йиғинида муҳокама қилиниши ва бунда профилактика инспекторлари ҳамда бошқа масъул ички ишлар ходимларининг ҳисобот бериши аксарият маҳаллаларда йўлга қўйилмаган.

Ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар юзасидан ички ишлар органларидан олинган маълумотларни ва суд органлари томонидан чиқарилган қарор ва ажримларни жамоатчилик ўртасида ўрганиш ва муҳокама қилиш ишларини барча маҳаллаларда рисоладагидек йўлга қўйилган деб бўлмайди.

Айрим маҳаллалардаги профилактика инспекторлари томонидан никоҳи бекор бўлган оилалар ҳақидаги маълумотларнинг тизимли равишда юритилмаганлиги, маҳалланинг "Яраштирув комиссияси" йиғилишларида уларнинг мунтазам иштирок этмаганлиги аниқланди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Тошкент шаҳар ҳудудий комиссияси ҳар ойда 2 маротаба ички ишлар органларининг жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси борасидаги фаолияти устидан парламент ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш юзасидан туманларда профилактика инспекторларининг маҳаллалардаги фаолиятининг тизимли ўрганиб борилишини мақсадга мувофиқ деб топди.

Ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шарт-шароитлари ўрганилиб, уларнинг олдини олиш ва бартараф этиш борасидаги ишларга профилактика инспекторлари томонидан жиддий ёндашилиши, маҳалла фуқаролар йиғинлари ва аҳолиси билан ўзаро ҳамкорлигини яхшилаш бўйича туман миқёсида тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши белгиланди.

Шунингдек, ҳудудда содир бўлган ҳар бир ҳуқуқбузарлик ва жиноят ҳолати фуқаролар йиғинида фаоллар иштирокида муҳокама қилиниши, бунда профилактика инспекторлари ва масъул ички ишлар ходимлари томонидан ҳисобот берилишини йўлга қўйиш лозимлиги таъкидланди.

Туман ҳудудидаги профилактика инспекторларини ўз хизмат ҳудудида хизмат турар жойи ва шахсий автомашина билан таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишларнинг қисқа муддатда якунига етказилиши қайд этилди.

**(Ўз мухбиримиз)**

virtual.vto@umail.uz,
gazeta-vto@umail.uz



**Мулоҳаза**

# МУСТАҲКАМ ОИЛА – ЖАМИЯТ ПОЙДЕВОРИ

***Инсон феъл-атворининг шаклланиши, мустақил шахс сифатида ҳаётда ўз ўрнини топиши, эл-юрт ҳурматига сазовор бўлишида уни вояга етказган оила муҳити ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Чунки оила шундай маконки, унда ҳаётнинг давомийлигини таъминловчи шахс шаклланади, миллий маданият, урф-одатлар, ахлоқий қадриятлар асраб-авайланади ва ривожланади. Ҳар бир оила иноқ ва аҳил бўлса, жамият ҳам тинчлик ва ҳамжиҳатликка эришади, юртда осойишталик ва барқарорлик ҳукм суради. Бу Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида ўз ифодасини топмоқда. Бу борада давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг: “Аҳоли билан доимий мулоқот қилиш, унинг қонуний талаблари, сўров ва таклифларини амалга ошириш учун аниқ чора-тадбирлар кўришни мен ўзим учун энг муҳим устувор вазифа деб ҳисоблайман”, деган сўзлари замирида чуқур маъно мужассам.***

Шу кунларда пойтахтимиз ҳокимлиги, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, “Камолот” ЁИҲ шаҳар Кенгаши, “Нуроний” жамғармаси шаҳар бўлими, шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси, пойтахт прокуратураси ва касаба уюшмалари ташкилоти вакиллари иштирокида мавжуд 11 туманнинг барчасида оилаларнинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий муҳитини ўрганиш бўйича ташкил этилган ишчи гуруҳлари томонидан жойларда учрашув ва амалий мулоқотлар ўтказилмоқда. Ишчи гуруҳлари аъзолари маҳаллаларга ташриф буюриб, ҳар бир хонадон билан яқиндан танишиб чиқмоқда.

Бунда Президентимизнинг Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган маърузасида белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш бўйича маҳаллалардаги ижтимоий-иқтисодий ва маънавий муҳитни соғломлаштириш, оилалар муаммоларини ўрганиш ва уларни бартараф этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

– *Бугунги кунда мамлакатимизда оилани мустаҳкамлаш, хотин-қизлар, болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жисмоний ва маънавий соғлом авлодни тарбиялаш масалаларига катта аҳамият қаратиляпти,* – дейди шаҳар ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси, Ишчи гуруҳи раҳбари Фарида Абдураҳимова. – *Маҳалла аҳли билан мулоқот қилиш, уларни қийнаётган муаммолар ва камчиликларнинг ечимини топиш асосий вазифаларимиздан саналади. Таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда ишчи гуруҳлари аъзолари хонадонларга бориб, оилаларнинг яшаш шарт-шароитлари билан яқиндан танишмоқда ва бир қанча муаммоларни ўз жойида ҳал этмоқда. Шу кунгача ишчи гуруҳлари аъзолари шаҳримиздаги жами 505 та маҳаллада бўлиб, мулоқот давомида 49 минг 574 та муаммони аниқлади. Мавжуд вазиятни чуқур ва пухта ўрганиш натижасида жамоат ташкилотлари ўртасида ҳамкорликнинг сустлиги ва ечимини кутаётган муаммоларнинг талайгина экани аён бўлмоқда. Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг: “Сен менга тегма, мен сенга тегмайман деган кайфият билан ишлашнинг вақти ўтди. Вазият ёмон, вазият оғир деб ўрганиб қолганмиз. Лекин шу вазиятни ким ўзгартиради, деган саволни келинг ўзимизга берайлик. Вазиятни ўзимиз, ақл-заковатимиз, меҳнатимиз билан ўзгартирмасак, ҳеч ким четдан келиб бу ишни биз учун қилиб бермайди”, деган кўрсатмаларини ҳар биримиз ўзимизга шиор билиб ишлашимиз керак.*

Дарҳақиқат, фаолиятимизда ўзаро ёрдам, ҳамкорлик ва ишонч мавжуд бўлса, маҳаллаларда масъулият ва ростгўйлик билан иш олиб борилса, инсон тақдири, унинг жамиятдаги ўрни, ҳаёти ва меҳнат фаолиятида улкан ўзгаришлар рўй бериши тайин. Бу эса, ўз навбатида, жамиятнинг руҳий-маънавий ҳаётига ижобий таъсир қилади. Чунки ҳар бир одам – жамиятнинг ажралмас бир қисми. Бундай боғлиқликлардан инсон руҳий мадад олади, завқланади, камол топади, эзгуликка интилиб яшашга ҳаракат қилади.

Халқ билан юзма-юз мулоқот чоғида туманларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича қилинаётган ишлар танқидий-таҳлилий кўриб чиқилмоқда, аҳолининг фикр-мулоҳазалари, таклиф ва муаммолари атрофлича ўрганилиб, жойларда ҳал этиб борилмоқда. Зеро, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак”, деган сўзларида чуқур маъно мужассам.

– *Ишчи гуруҳ ёрдами билан Жаҳон Обидова кўчасида истиқомат қилаётган бир оила бузилишининг олди олинди. Арзимаган сабаблар билан ота уйига кетиб қолган келин олиб келинди ва ўртадаги бир фарзанд тирик етимлик азобидан асраб қолинди,* – дейди Юнусобод туманидаги “Хиёбонтепа” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Зафар Икромов.

“Бободеҳқон” маҳалласи раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Мастура Қорабоева эса маҳалла фаолларининг аралашуви билан Мактаб тор кўчасида яшайдиган ёш оила яраштирилганини, икки нафар фарзанд ўз отаси бағрига қайтарилганини айтди.

Ишчи гуруҳи ташрифи билан “Катта Ҳасанбой” маҳалласидаги Ёшлик кўчаси, 20-уйда истиқомат қиладиган Маҳсума Тошхўжаеванинг кам таъминланганлиги эътиборга олиниб, коммунал тўловлари тўлаб берилди.

Хонадонларга ташрифлар аҳоли руҳиятини кўтариб юбормоқда. Одамлар бундан ҳам яхшироқ яшаш учун ҳаракат қилса, нимагадир эришиш мумкинлигига ишонч ҳосил қилмоқда. Масалан, “Бободеҳқон” маҳалласида томорқаси бор, аммо ундан фойдаланмаётган 30 та хонадон соҳиблари билан ҳам мулоқотлар олиб борилиб, уларга аниқ таклифлар бўйича кредитлар олиш учун тавсиялар берилди. Шу билан бирга, 300 та хонадонга олма, олхўри, олча кўчатлари ниҳоллари экиш учун тарқатилди. Шу кунгача ишчи гуруҳлари аъзолари тумандаги 97 мингдан ортиқ оиладан 40 мингга яқинига кириб чиқди. 52 та оила ажралишининг олди олинди.

Халқ билан мулоқот, шу аснода ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги муаммоларни зудлик билан ҳал этиш жараёни қизғин тус олаётган айни пайтда оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш – ўзини ўзи бошқариш органларининг самарали фаолиятига кўп жиҳатдан боғлиқ. Шайхонтоҳур туманидаги оилаларни мустаҳкамлаш ва никоҳдан ажралиш ҳолатларининг олдини олишга қаратилган йиғилиш ва ишчи гуруҳлари ҳамкорлигида олиб борилган ишлар натижасида буни янада теранроқ кузатиш мумкин.

– *Хонадонлардаги шарт-шароитларни ўрганиш жараёнида иштирок этар эканмиз, баъзи ҳолатлар кўнглимизни хушнуд этса, айримлари дилимизни хуфтон қилмоқда,* – дейди “Жарариқ” маҳалласи ишчи гуруҳи аъзоси Раъно Эгамбердиева. – *Мисол учун бир хонадонга ташриф буюрганимизда, оиланинг моддий жиҳатдан таъминланганлиги кўриниб турса-да, кекса онахон неварасининг улғайиши сустлиги ва келинининг камқон эканлигини айтиб, невараси учун моддий ёрдам сўради. Ҳолбуки, ўғиллари яхши даромад эгаси, оиланинг моддий аҳволи ҳам меъёрда экан.*

“Жарариқ” маҳалласидаги Қўрғонча кўчаси, 13-уйда истиқомат қилувчи Хайрулла Азимовнинг соғлиғи ёмонлиги ва Урология марказида жарроҳлик амалиётига муҳтожлиги инобатга олиниб, ишчи гуруҳи томонидан Соғлиқни сақлаш вазирлигига хат билан чиқилиб, Урология марказига ордер олиб берилди. Айнан шу маҳалладаги Оқсой кўчаси, 49-уйда истиқомат қилувчи, 2 нафар фарзанди бор Умида Аҳрорхўжаеванинг олий маълумоти бўлса-да, бугунги кунда ишсизлиги аниқланиб, туманнинг таълим муассасаларидан биридаги ёшлар билан ишлаш вазифасига тавсия қилинди.

– *Хонадонларга ташриф чоғида Учтепа туманидаги “Ўткир” маҳалласи, Усмон Носир кўчасида истиқомат қиладиган ўқувчининг сабабсиз дарс қолдириши аниқланди,* – дейди маҳалла оқсоқоли Икром Иргашев. – *Ишчи гуруҳи аъзолари томонидан ўқувчининг ота-онаси билан суҳбат ўтказилди ва оила бошлиғи бундан кейин фарзандининг мактабга ўз вақтида бориб туришини назорат қилишга ваъда берди.*

– *Яқинда Шараф 10-тор кўчаси, 28-уйда яшовчи Дилдора Саидаҳмедованинг қайнонаси билан ўзаро келиша олмагани ва у 2016 йилнинг октябрь ойида уйдан чиқариб юборилганлиги аниқланди,* – дейди “Ҳожиобод” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Абдуфаттоҳ Муталов. – *Ишчи гуруҳи аъзолари Дилдоранинг қайнонаси ва қайнотаси билан дилдан суҳбат қуришди, натижада қайнона-келин ўзаро яраштирилди ва келин яна ўз уйига қайтди.*

Дарҳақиқат, аҳоли билан учрашувлар давлатимиз раҳбарининг таклифи, яъни жойларга бориб, халқ билан мулоқот қилиш, уларни ўйлантираётган масалаларни тинглаб, муҳокама этишнинг нақадар тўғрилиги, ҳаётийлиги ва самарадорлигини исботлаб берди.

Миробод тумани ҳокимлигида бўлиб ўтган учрашувда ҳам маҳаллаларда амалга оширилаётган чора-тадбирлар аҳоли турмуш даражасини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш ва мамлакатимизда: *“Инсон манфаатлари – ҳар нарсадан устун!”* – деган қатъиятнинг ҳаётга изчил татбиқ этилаётганини яна бир бор кўрсатиб берди.

Учрашув доирасида туманда ўқувчилар давомати масаласи билан боғлиқ муаммоларнинг борлиги, баъзи бир касб-ҳунар коллежлари раҳбарларининг ўз вазифасига лоқайдлик билан қараши, тумандаги ахлоқсизлик ва шаръий никоҳ оқибатида вужудга келаётган аянчли ҳолатлар, камчиликлар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва бартараф этиш йўллари ҳақида фикр билдирилди.

Оилаларнинг аҳволини ўрганиш жараёнида иштирок этар эканмиз, баъзи ҳолатлар дилимизни хуфтон қилди. Мисол учун Феруза Бердимуродова ўн йилдан ортиқ турмуш ўртоғи билан шаръий никоҳ ўқитиб яшаган. Уч нафар фарзанди бор. У айни дамда болалари билан ота уйига кетиб қолган. Сабаби шуки, эри яна бошқа бир аёлга шаръий никоҳ ўқитиб уйланган. Мана, унинг дардларига бир қулоқ тутайлик:

– Бугун бошимни қайси деворга уришни билмай қолдим, болаларни дунёга келтираверибман-у, қонуний никоҳдан ўтмабман. Уч болам билан ота уйимга қайтиб келдим. Эримнинг биринчи шаръий никоҳи ҳам бўлган экан, буни эса кеч билдим. Турмуш ўртоғимнинг уч никоҳини ҳам “Баротхўжа” маҳалласида яшовчи Ғулом Мансуров деган домла ўқиган. Шу ўн йил давомида эримнинг уйига рўйхатга ҳам киритишмади. Бундай ўйлаб қарасам, ҳеч қандай ҳақ-ҳуқуққа эга эмас эканман, чунки қонуний никоҳим йўқ. Шаръий никоҳ ўқитиб яшашнинг нечоғли фожиа эканини энди тушуниб етдим...

Бу гаплардан кўнгил хира тортади. Наҳотки, баъзилар ўн йилдан ортиқ бир оилада бир тан, бир жон бўлиб яшаб, уч нафар фарзандни дунёга келтириб, ажралишни қисмат деб билишса, болаларнинг келгуси ҳаётига лоқайд қарашса? Оила боши қайнона ўз невараларининг тирик етим бўлишига қандай бефарқ қараяпти экан? Ахир, ўша жажжигина қоракўзлар унинг жону жаҳони, қувончи, энг катта бойлиги эмасми? Ғулом домла кабилар ҳозирги куннинг энг оғриқли нуқтаси саналмиш масалага нега бундай енгил-елпи қарайди? Бундайлар таниш-билиш, қўни-қўшничилик, юзхотирчилик ёки пул илинжида шаръий никоҳларни ҳеч иккиланмай ўқийверадими? Айни кунларда шаҳар Ишчи гуруҳи аъзолари бу оиланинг қайта тикланиши, болаларнинг тирик етим бўлишининг олдини олиш мақсадида чора-тадбирлар кўрмоқда.

Оиланинг шаъни ва обрўси жамиятнинг муҳим мақсади бўлса, оила аъзоларининг саломатлиги унинг энг олий қадрияти ҳисобланади. Шундай экан, ҳар қандай қадриятни асраб-авайлаш, ҳимоялаш, оила муқаддаслигини сақлаб қолиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз эмасми?

“Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да халқ вакилларининг бевосита жойларга чиқиб, аҳоли билан мулоқот ўтказаётгани, қабул қилинган қонунлар мазмун-моҳияти ҳамда аҳамияти тўғрисида тушунтириш олиб бораётгани ўзининг самарасини бермоқда.

Яшнобод тумани хонадонларидаги ижтимоий-иқтисодий аҳвол, маънавий муҳитни ўрганиш юзасидан ташкил қилинган тадбир ҳам очиқ ва ошкоралик руҳида ўтди.

Ишчи гуруҳи ташрифи билан 27 февраль ҳолатига қадар 47 та маҳалла фаолияти ўрганилди, 5 минг 541 та хонадонга ташриф буюрилди, 15 минг 419 нафар киши билан жонли мулоқот ўтказилди ва жуда кўплаб муаммолар ўз жойида ҳал этилди.

Ишчи гуруҳи аъзолари, асосан, ўқув муассасаларида муайян камчиликлар борлигига эътибор қаратишди. Хусусан, тумандаги бир қанча касб-ҳунар коллежларида ўқувчиларнинг дарсга келмаслиги, уларнинг баъзиларида рус тили фани ўқитувчисининг етишмаслиги маълум бўлди. Давомат билан боғлиқ муаммоларни ўрганиш жараёнида ўқувчининг дарсга келмаслигига кўп ҳолларда ота-оналарнинг ўзлари сабабчи бўлаётгани ҳам аён бўлди. Ахир, бу ўз фарзандининг келажагига ўта бефарқлик эмасми?

Яшнобод компьютер технологиялари касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Михаилнинг дарс қолдиришига асосий сабаб дарсларнинг ўзбек тилида олиб борилаётгани эканини айтди. Ўзингиз ўйлаб кўринг, таълим рус тилида олиб бориладиган мактабни битирган Михаилга ўзбек тилида дарс ўтишнинг нима фойдаси бор? Коллеж мутасаддилари бунга рус тилида дарс бера оладиган ўқитувчилар етишмаслигини рўкач қилишди. Наҳотки, Тошкент шаҳрида ушбу муаммони ҳал этишнинг иложи бўлмаса?

Хуллас, ўқувчиларнинг давоматига салбий таъсир этаётган барча омилларни ўрганишимиз, пухта таҳлил қилишимиз, муаммо нимадалигини аниқлашимиз ва бундай хатоларга қарши қатъий курашишимиз жоиз.

Ишчи гуруҳлари фаолияти доирасида тиббий маданиятни ошириш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, жойларда ахлоқсизлик ҳолатларининг олдини олиш, ўқув муассасаларида давоматнинг пастлигига барҳам бериш, ёшларнинг китобхонликка қизиқишларини кучайтириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Аниқланган муаммоларнинг 65 – 70 фоизи маҳаллаларнинг ўзида ҳал бўлмоқда.

Пойтахтимизда кейинги уч-тўрт йил мобайнида оилавий ажралишлар сони ошиб бораётган эди. Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси, прокуратура, маҳаллалар яраштирув комиссиялари ва фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан олиб борилган ҳамкорликдаги фаолият натижасида 2016 йили 2015 йилдагига нисбатан оилавий ажралишлар сонини 711 тага камайтиришга эришилди. Мингдан ортиқ оила бўйича эру хотин яраштирилди. Натижада 2 мингга яқин вояга етмаган бола ўз ота-онаси меҳридан баҳраманд бўлиб улғайиш бахтига эга бўлди.

Энг асосийси, олиб борилаётган очиқ ва ошкора мулоқотлар инсонларнинг дунёқарашини, ҳаётга муносабатини ижобий томонга ўзгартиришда муҳим ўрин тутмоқда. Фуқаролар бундан бениҳоя миннатдор бўляпти, уларнинг кўнгиллари кўтарилмоқда. Буларнинг барчаси аҳоли турмуш даражасининг янада яхшиланиши, оилалар мустаҳкамлигини ошириш ва эл фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилади. Шундай экан, мустаҳкам оила ҳамиша жамият пойдевори бўлиб қолади.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

## Оз-оз ўрганиб доно бўлур

## ҲИКМАТЛАР ХАЗИНАСИДАН

**Оилага муҳаббат – Ватанга садоқат.**

* * *

**Оила – жамиятнинг энг кичик ва асосий бўлагидир. У қанчалик соғлом ва тоза бўлса, жамият ҳаёти ҳам шунчалик покиза бўлади. Оила ҳаёти қанчалик юксак ахлоқ, илму урфонга асосланган бўлса, жамият ҳаёти ҳам шунчалик соғлом бўлади.**

* * *

**Оила табиатнинг шоҳ асаридир.**

* * *

**Оила – фароғатинг – фарзандлар – ҳаловатинг.**

* * *

**Оила мукаммаллигини таъминловчи хонадон султони – ота, уйимиз файзи, фариштаси эса онадир. Комил фарзандлар оила гулшанининг тоза гуллари, уларга ғубор юқтирмай ўстириш бурчимиздир.**

* * *

**Оиланг қўш-қанотинг.**

* * *

**Оналик уйнинг ори бор,**
**Оталик уйнинг зари.**

* * *

**Аёлнинг сариштаси,**
**Оиланинг фариштаси.**

* * *

**Оила сирли ва сеҳрли қўрғон,**
**Уни ҳамиша обод айлагил.**

* * *

**Оиладаги садоқат бахт омили.**

* * *

**Оилавий хотиржамликдан улуғ неъмат йўқ.**

* * *

**Аҳиллик бўлмаган оилада хайр-барака йўқолади.**

* * *

**Оила – боғ, ота-она боғбон, болалар ниҳоллар, улар боғнинг ҳолати-ю, боғбоннинг парваришига қараб ўсади.**

* * *

**Олтин – кумушнинг эскиси бўлмас, ота-онанинг баҳоси бўлмас.**

* * *

**Оила – қўш устунли айвон.**

* * *

**Онанинг бир қўли бешикни, бир қўли дунёни тебратади.**

* * *

**Аёл бахтли бўлса, оила бахтли бўлади.**

***Айни кунларда Наврўзга бағишланган байрам сайиллари олий таълим муассасаларида кўтаринки кайфиятда бўлиб ўтмоқда.***



**Тадбирлар**

# КЎНГИЛЛАР ЗАВҚҚА ТЎЛДИ

"Ҳар кунимиз Наврўз бўлсин" мавзуидаги тадбир Тошкент фармацевтика институтида ўзига хос тарзда нишонланди.

Ўзбекистон халқ артистлари Муножот Йўлчиева, Насиба Абдуллаева, Маҳмуд Намозов, Гулсанам Мамазоитова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Тошпўлат Маткаримов, "Эътироф" мукофоти совриндори Муниса Ризаева ижросидаги оҳанрабо куй ва қўшиқлар байрам иштирокчиларига бирдай манзур бўлди.

"Ҳандалак" гуруҳи қизиқчиси Зокир Очилдиевнинг ичак узди хандалари эса барчага хуш кайфият бағишлади.

Тадбир доирасида институтнинг илмий салоҳиятига ва юқори малакали мутахассисларни тайёрлашга муносиб ҳисса қўшаётган профессор-ўқитувчилар ҳамда ўқув муассасасининг ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларида фаол хизмат кўрсатаётган ходимлари, талабаларига институт ректорати томонидан диплом ва эсдалик совғалари тақдим этилди.

– Ушбу байрам тадбири барчамизнинг қалбимизга гўзал бир ёруғлик олиб кирди, –дейди Тошкент фармацевтика институтининг маънавият ва маърифат бўлими услубчиси Нигора Ашурова. – Чунки бу тадбирда энг гўзал миллий урф-одатларимиз тарғиб қилинди, асосийси эса баҳор ўз нафасида минг йиллик анъаналаримизни дилимизга яна қайта олиб киргандай бўлди.

* * *

**Тошкент кимё-технология институтида ўтказилган тадбир "Ассалом, Наврўз" деб номланди.**

Байрам сайлида, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти олимлари, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтидан вакиллар иштирок этди.

Тадбирни институт ректори С.Туробжонов кириш сўзи билан очиб берар экан, Президентимиз раҳнамолигида Наврўз байрамини умумхалқ сайли сифатида кенг нишонланаётгани, бу барча юртдошларимизга кўтаринки кайфият, чексиз қувонч бағишлаётганини таъкидлаш баробарида гўзаллик, эзгулик ва хайру саховат байрами билан йиғилганларни самимий табриклади.

– Наврўз байрами шарқ халқлари орасида неча минг йиллардан буён нишонланиб келинмоқда, – дейди Тошкент кимё-технология институти маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича проректори Тўлқин Қодиров. – Наврўз табиатнинг ўзидан келиб чиққан ҳолда, куну тун тенглашгандан сўнг, кунларнинг узайиши, табиатнинг уйғонишидир. Аёзли қишдан сўнг кўкда қуёшнинг юз кўрсатиши, қирларда майса-гиёҳларнинг ниш уриб чиқиши халқимиз учун ҳақиқий байрамга айланган. Нав-янги, рўз-кун, яъни янги кун деб аталиши ҳам бежиз эмас. Асосийси бу байрам инсонларни эзгуликка, яхшиликка ва хайрли ишларга чорлайди.

Дошқозонларда қайнаётган сумалак, турли миллий таомларимиз билан безатилган дастурхон, байрам шукуҳига ўзгача тароват ва руҳ бағишлади.

Талабалар томонидан миллий маросим ва анъаналаримизни тарғиб қилувчи саҳна кўринишидан парчалар намойиш этилиб, дилрабо куй ва қўшиқлар янгради.

**Гулнигор САТТОРОВА**
**Ислом Исмоилов олган сурат**

# ХАЛҚАРО ТУРНИРЛАРДА ИШТИРОК ЭТИШАДИ

***Яқин кунларда "Пахтакор" академиясининг 3 ёш тоифасидаги тарбияланувчилари халқаро мусобақаларда қатнашишади.***

Дилшод Нуралиев бошқараётган 2002 йил тарбияланувчилари 25 мартдан 1 апрелга қадар Россиянинг Сочи шаҳрида бўлиб ўтадиган спорт устаси ва 1960 йилги Европа чемпиони Валентин Бубукин хотирасига бағишланган турнирда иштирок этади.

Шунингдек, 25-30 март кунлари Қозоғистоннинг Олмаота шаҳрида 2003 йилда таваллуд топган ёшларимиз давлат арбоби Нурлан Каппаров хотирасига ўтказиладиган мусобақада кучларини синаб кўришади. Дмитрий Ан шогирдлари турнирда "Қайрат", "Жасқиран", "Зенит", Туркманистон, Тожикистон, Хитой ва Қирғизистон вакиллари билан беллашади.

Станислав Кудряшов бошқараётган 2001 йил жамоаси 3-8 апрель кунлари Краснодарда Сергей Вахрушев хотира турнирида қатнашади. Мусобақада "Краснодар", "Чертаново", "Рубин", БАТЭ, "Локомотив", "Септембри", София ва "Галатасарой" жамоалари тарбияланувчилари иштирок этишлари ҳам мўлжалланган.

**"Пахтакор" футбол клуби матбуот хизмати**

**Қилмиш – қидирмиш**

# ФИРИБГАРЛАР ЖАЗОСИНИ ОЛДИ

Баҳор ойининг ажойиб кунларидан бири. Тошкент шаҳрида жойлашган "UNIVERSAL AUKTSION INVEST" МЧЖ биноси олдига шум ниятли икки киши келди. Уларнинг нияти ўзгаларнинг ишончига кириб, алдаш йўли билан уларнинг пулини олиш. Шу ўринда айтиш керакки, Жасур Йўлдошев ва унинг шериги Назар Элмуродовлар (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ҳеч қаерда ишлашмайди. Устига устак уларнинг бири аввал ҳам суднинг қора курсисига ўтирган. Гапнинг индаллосини айтганда, бу икки шахс автотранспорт воситаларини сотиш бўйича ўтказиладиган кимошди савдосига қўйилган "ЗИЛ-131" русумли автомашинанинг аукцион савдо натижаларини Ойбек Тошев фойдасига ҳал қилиб беришлари мумкинлигини айтишди.

– Агар иккита автомашина олмоқчи бўлсангиз 800 АҚШ доллари берасизлар, – дейишди устомонлар атрофга олазарак қараб.

– Акалар, 100 доллар бераман. Сиз айтган пул менга оғирлик қилади, – деди Ойбек Тошев.

– Сизга айтсам, атиги 100 долларини иккаламиз бўлишамиз, қолганини эса акаларга узатамиз, – дейишди улар сурбетларча.

Ўзаро "келишувдан" сўнг Ойбек Тошев машина олди-сотди савдосида унга ёрдам берадиганлардан бири Жасур Йўлдошевнинг уяли телефон рақамини ёзиб олди.

– Айтгандай, аукционда иштирок этиш учун шартнома расмийлаштириш керак, гаров пули тўлашни ҳам билсангиз керак.

– Бўлмасамчи. Биламиз.

Шу гаплардан кейин гаров шартномасига асосан банкка пул тўланди.

Аукцион савдоси ўтказиладиган куни Жасур Йўлдошев Ойбек Тошевдан 100 АҚШ долларини олаётган пайтида ушланди. Кўп ўтмай Назар Элмуродов мансабдор шахслар орқали 800 АҚШ доллари эвазига аукцион савдоси натижаларини Баҳром Пардаев фойдасига ҳал қилиб бериш мақсадида пулни олаётган пайтида ашёвий далил билан қўлга олинди.

Шундай қилиб, олдиндан тил бириктириб, алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкини қўлга киритмоқчи бўлганлар қисмати якун топди. Суд судланувчиларни жавобгарликка тортишда уларнинг содир қилган жиноятига тўлиқ иқрорлиги, қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, оилавий ва моддий аҳволини эътиборга олиб жазо тайинлади.

**Нуриддин ЖУРАЕВ,**
**Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК Департаменти Тошкент шаҳар бошқармаси катта суриштирувчиси**


## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

### *ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!*

Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси томонидан ҳафтанинг ҳар шанба куни бошқарма биносида тадбиркорлик субъектларида мавжуд бўлган муаммо ва таклифларни ўрганиб бориш мақсадида "Очиқ эшиклар куни" ташкил этилган.

*Тадбиркорларнинг малакали мутахассислар билан мулоқоти бошқарма биносида соат 10.00 дан 13.00 гача бўлиб ўтади.*

***Манзил: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 2А-уйининг биринчи қавати.***
***Бошқарма маъмурияти.***

**"AUTO GARANT BUSINESS" МЧЖ ихтисослаштирилган корхонаси бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

2017 йил 28 апрель куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

Тошкент шаҳар Миробод тумани СИБ томонидан ТШХСнинг 06.06.2016 йилдаги № 10-1609/7684-сонли ижро варақасига асосан хатланган: 1. 2014 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 459 TTD бўлган "ГБА СПГ Нексия ДОНС" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 24 000 000 сўм. 2. 2013 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 441 TTD бўлган "ГБА СПГ Нексия СОНС" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 24 000 000 сўм. 3. 2014 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 394 TTD бўлган "ГБА СПГ Нексия СОНС" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 23 760 000 сўм. 4. 2013 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 440 TTD бўлган "ГБА СПГ Нексия ДОНС" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 23 280 000 сўм.

2017 йил 12 апрель куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига "Истеъмолда бўлган транспорт воситалари ва эҳтиёт қисмлар Сергели бозори" МЧЖда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда: 1.Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан 24.09.2013 йилдаги № 61552-53/8-сонли ижро варақасига асосан хатланган 2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 Н 234СА бўлган "Каптива-1" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 73 230 696 сўм. 2. Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан 23.08.2016 йилдаги №23518/22-сонли ижро варақасига асосан хатланган 2006 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 Р 198 ЕА бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 18 335 000 сўм. 3.Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан 14.09.2016 йилдаги №28365/22-сонли ижро варақасига асосан хатланган 2008 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 О 955 АА бўлган "Шевролет Оптра" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 39 988 094 сўм.

Аукцион савдолари Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй манзилида бўлиб ўтади.

Юқоридаги автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати 2017 йил 28 апрель кунидаги савдо учун 2017 йил 26 апрель куни соат 16:00, 2017 йил 12 апрель кунидаги савдо учун 2017 йил 10 апрель куни соат 16:00. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир автотранспорт воситаси учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – "Auto Garant Business" МЧЖнинг "ASIA ALLIANCE BANK" АТБ Мирзо Улуғбек тумани филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р: 2020 8000 9048 8730 5001, МФО: 01103, СТИР: 301 829 604. Аукцион ғолиби сотиб олган автотранспорт воситаси қийматини 5 банк куни мобайнида тўлалигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. www.agb.uz. Телефон: (371) 2336144, (95) 146-61-44, (97) 764-81-86.

***Гувоҳнома 004593.***

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

### *ТАДБИРКОРЛАР ВА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!*

Тошкент шаҳрида йилдан йилга кенг ҳажмда бунёдкорлик ишлари қонун ҳужжатлари талабига мувофиқ олиб борилиб, янгидан-янги замонавий талабларга жавоб берадиган кўп қаватли ва якка тартибда қурилаётган турар жойлар ҳамда тадбиркорлар томонидан савдо, маъмурий ва маиший хизмат кўрсатиш бинолари барпо этилмоқда.

Бугунги кунда, баъзи тадбиркорлар ва фуқароларнинг амалдаги қонун ҳужжатларини тушуниб етмаслиги ёки уларга зид равишда, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қурилишга рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштирмай туриб, қўшимча ер майдонларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш, бино-иншоотларни барпо этиш, шунингдек, тасдиқланган лойиҳада четга чиққан ҳолда қўшимча бино-иншоотларни барпо этиш ҳамда кўп қаватли турар жойларда ўзгартиришлар қилиш ҳолатлари аниқланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 12 февралдаги 41-сонли ва Тошкент шаҳар ҳокимининг 2009 йил 4 мартдаги 115-сонли ҳамда 2012 йил 11 октябрдаги 820-сонли қарорларига асосан, Тошкент шаҳрида нотурар жой объектлари ва якка тартибда қурилган уй-жойлар ҳамда кўп қаватли турар жой биноларида ва ён атрофида ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер майдонлари ва ҳужжатсиз барпо этилаётган бино-иншоотларни бартараф этиш чораларини кўриш бўйича туман ҳокимликлари қошида тузилган ишчи гуруҳлари томонидан амалий ишлар олиб борилмоқда.

Бу борада, ноқонуний равишда ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олган ва қурилишга рухсат берувчи ҳужжатларсиз савдо, маъмурий ва маиший хизмат кўрсатиш ҳамда турар жой бино-иншоотларини қурган ёки қайта таъмирлаган тадбиркор ва фуқаронинг қонун олдида жавобгар бўлиши ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган маъмурий ва жиноий жазо чоралари қўлланилиши ҳақида огоҳлантиришимиз лозим.

Азиз ҳамшаҳарлар, ҳар хил кўринишдаги қурилмаларни қуришдан аввал, Ўзбекистон Республикасида белгиланган қонунларга амал қилган ҳолда маҳаллий ҳокимият органларининг қарорлари асосида ажратилган ер участкаларида ва қурилиш ишларига рухсат берувчи рухсатномаларга асосан қурилиш ишларини олиб боришни унутманг. Бу билан Сиз қонунбузилиш ҳолатларининг олдини олишга ва Ватанимизнинг ҳуқуқий давлат сифатида янада ривожланишига ўз ҳиссангизни қўшган бўласиз.

**"REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

2017 йил 28 апрель куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда: 1.Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан 14.03.2017 йилдаги №4385-23 сонли ижро варақасига асосан хатланган Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Зайтун кўчаси, 3-5-7-уй манзилда жойлашган умумий майдони 394,22 кв.м. иборат бўлган турар жой биноси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси: 823 802 497 сўм. 2. Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий техник жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаменти томонидан Ўз.Рес.ХСнинг 27.11.2015 йилдаги №42/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Келес шаҳри, Оқибат кўчаси, 1-уй манзилда жойлашган бинонинг умумий майдони 485,0кв.м. бўлган автомашина ювиш шохобчаси. Бошланғич баҳоси: 154 155 369 сўм.

Аукцион савдолари Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй манзилида бўлиб ўтади. Юқоридаги кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар мулкнинг бошланғич баҳосининг 40 фоизи миқдорида закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – "REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖнинг ХАТБ "Universal bank" Тошкент шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р: 2020 8000 5049 3605 0001, МФО: 00996, СТИР: 207 125 885. Аукцион ғолиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк куни мобайнида тўлалигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. Телефон: (8371) 233-09-38. www.rgbusiness.uz. Лицензия: RR-0052.

**"Respublika Mulk Markazi" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Савдога Тошкент шаҳар, Чилонзор туман суд ижрочилари томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг 15.07.2016 йилдаги 10-1606/11778-сонли ижро варақасига асосан Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳ кўчаси, 47-уйда сақланаётган 1. 44-турдаги товар моддий бойликлар, бошланғич баҳоси – 9 439 830 сўм. 2."Дамас" русумли, д/р 01 659 ССА бўлган. 1999 йил и/ч, бошланғич баҳоси – 17 476 200 сўм 3."Хундай Соната" русумли, д/р 01 492RBA бўлган 2006 йил и/ч., бошланғич баҳоси – 40 532 130 сўм 4."ГАЗ-33102" русумли, д/р 01 949ХВА бўлган 1999 йил и/ч., бошланғич баҳоси – 10 937 587,50 сўм бўлган автотранспорт воситалари қўйилмоқда.

**Аукцион савдоси 2017 йил 11 апрель соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади.** Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2017 йил 7 апрель соат 18:00. Автотранспорт воситалари билан Суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишингиз мумкин.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк бўйича алоҳида тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда АИТБ "Ипак йўли банки" Сағбон филиалидаги ҳ/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850 га тўлашлари шарт. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома, чет эл юридик ва жисмоний шахслари қўшимча равишда сўмдаги маблағларнинг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумотлар тақдим этилади.

Ариза қабул қилиш ва савдолар ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1^А-уй. Тел: 228-79-52. www.rmm.uz.

***Гувоҳнома № 001805.***

**"AUTO TRADE COOPERATION" МЧЖНИНГ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТ!**

2017 йил 13 апрель куни соат 11.00да бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 29.02.2008 йилдаги ЖСҲ-1-75/08-сонли ижро варақасига асосан Юнусобод туман СИБ томонидан хатланган "Space Arsenal Service" МЧЖда сақланаётган 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 18Q9311, "OPEL OMEGA" русумли автомашина такроран чиқарилмоқда. Бошланғич баҳоси 20 168 713 сўм 80 тийин. Савдолар "AUTO TRADE COOPERATION" МЧЖнинг савдолар залида бўлиб ўтади. Аукцион савдосига қўйилган автотранспорт воситаси билан туман СИБ вакили иштирокида бевосита танишиш мумкин. Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган кундан бошлаб 5 (беш) банк кун ичида мулк учун тўловларни амалга ошириши лозим. Талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва аукцион савдоси бошланишидан 1 (бир) кун олдин соат 11:00да тўхтатилади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар "Закалат пули тўғрисидаги келишув"ни имзолагандан сўнг мулк бошланғич баҳосининг 20 (йигирма) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "AUTO TRADE COOPERATION" МЧЖнинг АТБ "*Infin*BANK" банкдаги МФО: 01041, ИНН: 302477464, 20208000505015685001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, закалат пули тўлаганлиги ҳақида тўлов ҳужжати. Ҳар бир мулкка нисбатан қўшимча хизматлар кўрсатиш учун энг кам ойлик иш ҳақининг 2 минимал миқдорида тўлов олинади. Манзил: Тошкент шаҳри, А.Темур 1-тор кўчаси, 6-уй. E-mail: info@auksion.uz. Тел: (95) 193-74-96.

***Гувоҳнома № 005148***


**ЎЗГИДРОМЕТ**
**ХАБАР ҚИЛАДИ**

*Тошкент шаҳрида **29 март** куни ҳаво ўзгариб туради, куннинг биринчи ярмида қисқа муддатли ёмғир ёғиши, чақмоқ чақиши мумкин. Шарқдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 10-12, кундузи — 22-24 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **29 мартда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95.
факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-5227

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 335

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
12959 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

Босишга топширилди: 15:20

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

1 2 3 4 5